



XIX аср бошларида Россия ҳукуматининг Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига кизиқиши бирдан кучайиб кетди. 1820 йил Бухорога ташриф буюрган рус дипломатик миссияси ўз ҳукуматига бунгача амирлик ҳақида маълум бўлмаган қимматли маълумотлар тақдим этди: илгари Бухоро ҳукумати ўз ҳудудида ажнабийларни кўришни истамасди.

Россия элчихонасининг Оренбургдан Бухорога сафари ҳақида батафсил ҳисобот билан танишиб чиққач, Оренбург ҳокимияти Бухоро ва Хива хонликларида юз бераётган барча воқеаларни диққат билан кузата бошлади.

1833 йил губернатор П.П. Сухтеленнинг ўлиmidан кейин Оренбург ҳарбий губернатори этиб тайинланган В.А. Перовский Бухорога экспедиция лойиҳасини ишлаб чиқади. Бу пайтга келиб, Марказий Осиёда Англия ва Россия манфаатлари кескин тўқнаш кеганди. Британия табиий бойликлари ва эркин бозорлари билан бирга Бухоро ва унга қўшни Афғонистонни қўлга киритишни истарди. Рус ҳукумати эса ўз манфаатлари ҳудудига «британ арслони»ни киритишни истамасди. Оренбург чегара комиссиясига ҳар куни даштда бўлган ва у орқали Ўрта Осиё хонликларига ўтиб бораётган инглиз айгоқчилари ҳақида хабарлар келиб тушарди. Евангеле миссияси расман Оренбургга ташриф буюрган бўлиб, миссионерларга гўёки улар насронийликни тарғиб қилган дашт бўйлаб саёҳат қилиш учун рухсат берилганди. Аслида эса, даштга илтифот билан эшикларни очиқ берган Оренбург ҳокимияти дашт истехкомларини ва Оренбург қалъасининг ўзини суратга олиш билан машғул бўлган евангелечи-жосусларни қўлга олиш учун катта имкониятга эга эди.

Осиё Департаментига рапортида Перовский Бухорога экспедиция зарурлигини асослайди ва "...Подшоҳ хазратларининг ижозати билан тажрибали, соглом, зехни ўткир ва ажойиб аклий кобилиятларга эга бўлган портупей-прапорщик Виткевични Бухорога жўнатиш"ни сўрайди. Бирок Николай I бундай масъулиятли вазифани офицер унвонига эга бўлмаган, собик сургундаги шахс зиммасига юклашга йўл қўймади.

Ян Виткевич – "ўн олти ёшга тўлган, лавозимга қўтарилиш ҳукукисиз оддий аскарликка тайинланган сиёсий махбус", –1824 йил 25 майда конвой билан Орсқ калъасига келтирилади. 1829 йил Орсқ орқали машҳур олим А. Гумбольт ўтади. Виткевич билан танишган олим ёш аскарнинг энциклопедик билимларидан хайратда қолади.

Кейинрок Гумбольт Николай I га «Илтимоснома» такдим этади ва унда "сурғун қилинган махбуснинг тақдирини ўзгартиришда подшоҳнинг марҳаматини сўрайди..." Император дунёга машҳур олимнинг илтимосини қондиради ва тез орада унтер-офицер Виткевич мохиятан "чўлдаги разведка ва қўчманчилар билан алоқалар органи" саналган Оренбург чегара комиссиясига таржимон этиб тайинланади. Губернатор Сухтелен, хизматда ўзини разведка ходими ва истеъдодли дипломат сифатида ишботлаган Виткевичнинг иқтидорини нишонлашни истаб, Осиё Департаментига хисобот юборади ва "Виткевични 1-офицер унвонига тайинлаш ҳақида Илтимоснома" юборади. Подшоҳ саройининг қарорини қутиш оғушида губернатор ўз ваколати билан Виткевичга портупей-прапорщик унвонини беради. Бу унвон оддий аскарлар даражасидан юқори эди, лекин офицер унвони саналмасди.

Оренбург ҳарбий губернатори Перовскийга "бошқа, энг тажрибали ва ишончли амалдорни танлаш" буюрилди. Перовский подшо унинг одамларни тушуниш кобилиятини шубҳа остига қўйгани ва Виткевичнинг номзодини рад этганидан қаттиқ ҳафа бўлди. Бирок губернатор Подшонинг амрини бажаришга мажбур бўлиб, махсус рус агенти, Оренбург чегара комиссиясининг таржимони П. И. Демезонни Бухоро амирлигига юборади.

П. Демезон 1807 йил Шамбери шаҳрида (Сардиния Қироллиги), шифокор оиласида таваллуд топган. Ўсмирлигида давлат хисобидан Козон университетини тугатган ва шарқ тилларини ўрганиш учун Петербург университетига ўқишга кирган. 1834 йил Козон университетига у Шарқ оғзаки ва ёзма адабиёти бўйича номзодлик даражаси учун қойилмақом тарзда имтиҳон топшириб, "Шарқ адабиётини ўргатиш учун" университетда қолиб кетади. 1831 йил баҳорида П.Демезон Оренбургга, Неплюевск кадет корпусга араб ва форс тилларини ўқитиш учун ўтказилади. 1831 йил сентябрида П. Демезон Оренбург чегара комиссиясига таржимон этиб тайинланади.

П. Демезонга губернатор Виткевич учун тузилган, лекин "9-синфли таржимон Демезон" номига қайта йўналтирилган «Йўриқнома хати»ни шахсан топширади. Хатда айтилишича, элчи «Бухоро ҳукуматининг Россия билан савдо-сотик масалари бўйича фикрини билиш», шунингдек, «уларнинг ушбу мақсадга қатъий қарорлар билан қўмақлашишга тайёрлик даражаси»ни аниқлаш топширилган шахс сифатида мактуб ва совга-саломлар билан қушбеги ҳузурига жўнайди. Элчига улардан фойдаланиш истагини уйғотмаслик учун совгалар ҳақида "маълумотларни беғоналардан иложи борида қўпроқ яшириш" ҳақида қўрсатма берилди. Шундан сўнг Оренбург ҳокимияти совгалари рўйхати келтирилади: "кутида ускуна билан милтик (420 руб.), иккита компас (125 руб.), мусикий қутича (280 руб.), горизонтал тилла соат (250 руб.), соқол олиш ускунаси (110 руб.), бир жуфт бронза шамдон (45 руб.) ва 50 аршин турли матолар – хаворанг мовут, қазимир ва драдедам (450 руб.). Совгалар умумий қиймати – бир минг олти юз саксон рубл". Элчига

«сафар борасида шубха тугилишига эҳтиёт бўлиш, ҳукумат билан музокараларда Россия ҳукумати савдо ва дўстлик алокалари ўрнатиш мумкин бўлган ҳар қандай фармойишларга мойил эканлигига ишонириш ва илтифотлардан фойдаланиш» ҳақида қатъий кўрсатма берилади. Аммо шу билан бирга, элчи Бухоро ҳокимиятига Россия ҳукуматига маълум қилмасдан ва унинг номидан бирор аниқ чора кўриш ваколати йўқлигини очик-ойдин баён қилиши керак эди.

Айгоччи учун ишлаб чиқилган топширик 25 банддан иборат бўлиб, расман «Бухорога сафар чоғида ўзига эътибор қаратиши лозим бўлган предметлар ҳақида қайдлар» деб аталган. Демезон губернатор томонидан олти гуруҳга бўлинган масалалар бўйича маълумот тўплаши керак эди.

Энг аввало, айгоччи «Бухоро ҳисоб-китоби ва аҳолисининг Россияга нисбатан мойил қилиш, норозиликлар сабабларини аниқлаш ва Бухоро бошқарувида асосий иштирокчиларни билиб олиш» топширилади. Иккинчи гуруҳдаги масалалар амирликнинг Шарқий Туркистон, Эрон ва бошқа қўшни давлатлар билан савдо муносабатларига алоқадор бўлган. Россия ва Бухоро ўртасидаги савдога келадиган бўлсак, ип газлама ишлаб чиқаришдан тортиб, Россиядан импорт қилинадиган товарлар ассортиментиғача ҳамма нарсани билиш муҳим эди.

Оренбург ҳокимияти Бухоронинг Англия билан муносабатлари билан боглик масалалар билан айниса қизиқди: бухороликлар инглизлар ҳақида қандай фикрда, инглизларнинг Бухородаги ҳаракатлари қандай; амирликда қанча инглиз моллари бор, уларнинг нархи ва уларга талаб қандай. "Бу мавзу жуда муҳим, - деб таъкидланади «Йўриқномада», - шунинг учун унга энг жиддий эътибор бериш ва энг батафсил маълумотларни тўплаш зарур."

Айгоччи «1825 йилда Бухорога келган ва у ерда ўлдирилган инглизлар Муркрафт ва Требекларнинг қозғоларини топиш буюрилган. Уларнинг мол-мулклари ошқора сотилди. Британия айгоччиларининг топилган ёзувлари учун, агар керак бўлса, минглаб рубл тўлашга рухсат берилган"

Тўртинчи гуруҳ саволлари Хива хонлигидаги вазиятни аниқлаштириш билан боглик эди. Демезон аниқ қилиши керак эди: "Амударёнинг қаттиқ сув тошқини туфайли Каспий денгизига қараб оқиши ростми; қўпчилик аҳолининг Хивадан чиқиб кетиши ростми; савдогарларнинг хабар беришича, Хива ҳукумати тўлиқ оғизлик қилиб қелгани ростми". Қуйидаги саволлар Сирдарёга туташ ҳудудлар иқтисодиёти билан боглик бўлган.

Ва нисоят, сўнги масала жуда муҳим мавзуга алоқадор эди: рус асирларининг Бухородаги аҳоли. Айгоччи нима сабабдан рус асирлари Хивадан Бухорога қочмасликлари сабабини аниқлаши; Бухорода хивалик асирларни сотиб олувчилар бор ёки йўқлигини аниқлаши; Бухородаги рус асирлари ҳақида аниқ маълумот тўплаши зарур эди. Демезон Перовскийнинг қуйидаги буйруғига алоҳида эътибор қаратиши керак эди: "... Бухоро ҳукумати рус губернаторига аънанавий совғалар ўрнига битта ёки бир нечта рус асирини озод қилишни илтимос қилиши – бу губернатор учун энг ёқимли совға бўлишини маълум қилиш".

Демезоннинг Оренбургдан қетиши қаттиқ сир тутилди, чунки чегара комиссияси Оренбург савдогарларидан бирининг Евангелия миссияси билан алокалари ва унинг Бухоро ва Хивада бўлган инглизлар билан ҳамкорлиги ҳақида ишончли маълумотга эга эди. Демезонга «татар муллеси қиёфаси берилди» ва 1833 йилнинг охирида у Мирза Жаъфар номи билан савдогар қарвонига қўшилиб Оренбургни тарк этди. 1833 йилнинг декабрида айгоччи Бухорога қелди. Бу ерда яшаган олти ой мобайнида у барча

кўрсатмаларини бажаришга муваффақ бўлди, энг аниқ ва ишончли маълумотларни тўплади.

1834 йилнинг 15 майида В. А. Перовский Демезоннинг май ойи бошида Орска етиб келган савдо қарвони билан юборган баъзи маълумотларидан Осиё Департаменти бошлиғи Родофиникинни хабардор қилиш имконига эга бўлди. Айгоқчининг хабар беришича, Бухорода рус молларининг нархи анча тушиб кетган; Хива мамлакатдан галла экспорт қилишни тақиқлаб қўйган, шунингдек, хонлик чегаралари яқинида тўп сурган қирғиз-қайсақлар билан ҳам том маънода уруш бошлаган. Қайсақлар ўзларини химоя қилиб, қуролли ҳужум уюштирдилар ва Хива қалъасини мағлубиятга учратиб, гарнизонини вайрон қилдилар. Демезон, шунингдек, Хива хони "форсларга ўтиб кетган айрим фуқароларининг ҳоинлигидан газабланиб, унга ўта ёқмайдиган Ново-Александровский истехкомига қарши жазо экспедициясига тайёргарлик кўргани" ҳақида маълум қилди.

1834 йил 26 июнда Демезон Орск калъасига хонлик хукмдорлари шахсан унга, шунингдек, губернатор В. А. Перовскийга тақдим этган кўплаб совгалар билан келди. Хушёр оренбурглик божхоначилар бу совгаларни кўлга олиб, уларни фақат губернаторнинг буйругидан кейингина кўйиб юборишди.

1834 йилнинг июль ойида В. А. Перовский Харбий вазирага Демезон томонидан топирилган вазифанинг муваффакиятли якунлаш хақида "ўта махфий" белгиси остида хисобот жўнатиб, "бу вазифани у ажойиб эҳтиёткорлик ва керакли муваффакият билан бажарди", деб ёзади. Хисобот Демезонни 3-даражали Анна ордени билан мукофотлаш ва уч минг рубллик пул мукофоти бериш учун ариза беришга асос бўлди. Осиё Департаменти пул мукофоти эътироз билдирмайди, лекин орден билан тақдирлаш эҳтимоли паст, чунки Демезон "тўкага эга эмас ва жуда кичик мартабада" деб жавоб берди (тўка – давлат амалдорлари тақдирланадиган, маълум бир муддат халол хизмати учун фаркланиш нишони. - Н. Г.).

Департамент директори К. Родофиникин пул мукофоти ва титулли маслахатчи мартабасини бериш мумкин, «хоч хакида эса тараддуд кўришнинг ҳам хожати йўқ, чунки рад жавоби олиш эҳтимоли юкори» деб ҳисоблади.

Бирок 1835 йил П.И. Демезон пул мукофоти ҳам, «қоидалардан истисно тариқасида муносиб кўрилган» ордени ҳам олди. Бу мукофотлар рус айгоқчисининг миссияси нақадар мураккаблиги ва унинг ажойиб тарзда бажарилганидан дарак беради.

Оренбургдаги хизматини П. И. Демезон 1836 йилгача Осиё Департаментида рўйхатида давом эттирди. Худди шу йили у Санкт-Петербургга кўчиб ўтди, у ерда проессор унвони билан Ташки ишлар вазирлигида Шарк тиллари ўқув бўлимида турк ва форс тилларини ўргатади. 1840 йилда Демезон Техронга Россия миссияси билан ташриф буюрди.

19-асрнинг 40-йиллари бошидан буён Осиё Департаменти хизматида бўлган. 1857 йилда Демезон Францияга кўчиб кетиб, Парижда яшаган ва Сардиния кироли томонидан берилган барон унвонига эга бўлган. Барон П.И. Демезон 1873 йил вафот этган.

Хозиргача никоби ва номини ўзгартирган, аммо максадлари эскича колган яна канчалаб демезонларнинг ирkit кадами табаррук ерларимизни топташдан тўхтагани йўк.

Абу Муслим таржимаси